

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ МУЗАФАР ОРИФЖОНОВИЧ

**АЗОТ ВА ФОСФОР САҚЛОВЧИ ФТАЛОЦИАНИН
ПИГМЕНТЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Юсупов Музафар Орифжонович

Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларини
олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш.....3

Юсупов Музафар Орифжонович

Разработка технологии получения и исследование азот и
фосфорсодержащих фталоцианиновых пигментов.....21

Muzafar Yusupov

Obtaining of a technology for the production and
study of nitrogen and phosphorus-containing
phthalocyanine pigments.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ МУЗАФАР ОРИФЖОНОВИЧ

**АЗОТ ВА ФОСФОР САҚЛОВЧИ ФТАЛОЦИАНИН
ПИГМЕНТЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1528 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Эшқурбонов Фурқат Бозорович
кимё фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг «23» 07 2020 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «11» 07 кун тарқатилди.
(2020 йил «11» 07 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда курилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳажми жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида лок-бўёқ маҳсулотларига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда тўқимачилик материаллари, чарм мўйнали буюмлар, қоғоз, ёғоч ва бошқа буюмларни бўйаш учун асосан “ранг берувчи ўсимликлар” дан, ҳайвон организмларидан оз миқдорда олинган органик, шунингдек, минерал пигментлардан фойдаланилмоқда. Аммо пигментларнинг нархи, айниқса органик пигментларнинг нархи жуда юқоридир. Сўнгги йилларда хомашё этишмаслиги, бир қатор корхоналарда лок-бўёқ материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига олиб келган. Шу сабабли янги турдаги фталоцианин пигментларини яратиш муҳим илмий - техник вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда, фталоцианин асосидаги пигментлар сифати ва фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган изланишларга эътибор қаратилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган органик пигментлар ҳажмининг қарийб 25% фталоцианин пигментлар ҳиссасига тўғри келади. Шу жиҳатдан азот ва фосфор сақловчи гуруҳларини ўз ичига олган фталоцианинлар алоҳида илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бунда фталоцианин пигментлари иштирокида олинган лок-бўёқ қопламаларини олиш мумкин. Ушбу азот ва фосфор сақлаган фталоцианинларни синтез жараёнини ўрганиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини, шунингдек, кўллаш соҳаси имкониятларини ва технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда фталоцианин пигментлари иштирокида лок-бўёқ материалларини, шунингдек, кўп компонентли ва функцияли лок-бўёқ қопламаларини яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган меъёрий тадбирлар асосида маълум натижаларга эришилди, айниқса кўп компонентли қопламалар олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бунда тақчил бўлган компонентларни маҳаллий хомашё ресурсларига - кимё саноатининг кўп тоннали иккиламчи маҳсулотларига алмаштириш муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини зарур маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Фталоцианин пигментларини олиш ва синтезини ривожлантириш бўйича Wöhrle D., Jones J.G., Wang R., Meyer M., Freyer W., Hanack M., Schlettwein D., Kudrevich S.V., Zimcik P., Erk P., Barrett P.A., Шапошников Г.П., Shakhnovich A.I., Голубчиков О.А., Ларионов А.В., Сайфуллин Р.О., Хафизов Н.Р., Zhang X., Хромов А.В., Зуев К.В., Джалилов А.Т., Тиллаев А.Т., Маҳсумов А.Г. ва бошқа олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан пигментларни, маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида синтез қилишнинг турли усуллари таклиф қилинган, олиш жараёнларига турли хил технологик омилларнинг таъсири, шунингдек, синтез қилинган бирикмаларни қурилиш материаллари саноатида лок-бўёқ қопламалари сифатида ишлатишни тавсия этишган.

Айни пайтда, маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида фталоцианин пигментларининг янги турларини кенгайтириш мақсадида фаол гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А 12-003 «Таркибида кремний сақлаган полимерлар ва органик бўёқлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2011-2013 йй.) ҳамда А 12-001 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги эпоксиполиуретан қопламаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида азот ва фосфор тутган хомашёлар асосидаги фталоцианин пигментларининг хоссаларини яхшилаш ҳамда уларнинг таркибида турли металл тутган янги ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диамидофосфат, фталимид, карбамид, металл тузлари ва катализаторлар иштирокида янги фталоцианин бирикмаларини синтез қилишнинг мақбул шароитларини ўрганиш;

синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи фталоцианин нанозаррачаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий усуллар орқали ўрганиш;

синтез қилинган фталоцианин металл ҳосилаларининг нанозаррачалари ҳамда таркибида фосфор, азот ва металл тутган бирикмалари асосида термик барқарор ва механик мустаҳкам бўёвчи материаллар олиш;

нанотўлдирувчилар турига ҳамда модификатор концентрациясига боғлиқ равишда, полимер материаллар учун нанокомпозитларини олиш;

фталоцианинлар асосида олинган полимер композицион материаллар, жумладан, лок-бўёқ қопламаларининг физик-механик хусусиятларини ўрганиш ва ушбу материалларни ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти таркибида азот ва фосфор тутган маҳсулотлар асосида синтез қилинган фталоцианин бирикмалар, диамидофосфат, фталимид, карбамид ва металл тузлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети азот ва фосфор тутган бирикмалар асосида янги турдаги фталоцианинлар олиш жараёнининг оптимал шароитларини ўрганиш, диамидофосфат олиш жараёнини, ҳамда улар асосида олинган фталоцианин бирикмалар иштирокидаги лок-бўёқ маҳсулотларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар натижасида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг термомеханик, физикавий ва физик-кимёвий усулларидан фойдаланилган. Жумладан, физик-механик усуллар, рентгенфазавий таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), элемент таҳлил, инфрақизил спектроскопия (ИҚ-спектроскопия), термогравиметрия (ТГ) ва дифференциал сканерловчи колориметрия (ДСК) усуллари ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диамидофосфат, фталимид, карбамид ва металл тузлари асосида янги таркибли фталоцианин бирикмалари синтез қилинган;

синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи фталоцианин бирикмалари таркибининг ҳароратга, синтез давомийлигига, дастлабки таркибий қисмларнинг нисбатига ҳамда муҳитнинг рН га боғлиқлиги аниқланган;

азот ва фосфор сақловчи бирикмалар асосида янги таркибли фталоцианинлар олинган ва уларнинг структуравий таҳлили ҳамда термик барқарорлиги аниқланган;

азот ва фосфор сақловчи фталоцианинларнинг металл комплекслари асосида лок-бўёқ қопламалари олинган ва уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

диамидофосфат, фталимид, карбамид ва металл тузлари асосида фталоцианинлар олишнинг технологик усули ва уларни олиш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диамидофосфат, фталимид, карбамид ва металл тузлари асосида синтез қилинган янги таркибли фталоцианин бирикмаларидан, пигментлар сифатида фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган;

кимё саноатида азот ва фосфор сақловчи фталоцианин бирикмаларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланишнинг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган;

полимер композицион материаллари, жумладан лок-бўёқ қопламалари учун азот ва фосфор сақловчи фталоцианин бирикмалари олиш жараёнининг мақбул шароитлари, уларнинг структураси ва бошқа муҳим хусусиятлари аниқланган;

янги турдаги фталоцианин бирикмалари асосида атмосфера ва агрессив ташқи муҳитларга чидамли лок-бўёқ қопламалари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

янги турдаги фталоцианин бирикмалар асосида лок-бўёқ материаллар олиш бўйича техник ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмалар структураси ва хоссаларини термогравиметрик, дифференциал термик (LABSYS EVO STA дериватограф), сканерловчи электрон микроскопия, ИҚ спектроскопия (IRTracer-100) каби физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усулларини қўллаш натижалари билан аниқланган, шунингдек, олинган натижаларни қиёсий таҳлил асосида маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диамидофосфат, фталимид, карбамид ва металл тузлари асосида фталоцианин бирикмалар олиш, шунингдек, уларнинг структура ва хоссаларини ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лок-бўёқ саноатида фталоцианин пигментлари қўшилган қопламалар, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш, хизмат муддатини ошириш, ҳимоя ва декоратив хоссалари такомиллашган материаллар олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари асосида лок-бўёқ материалларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида азот ва фосфор тутган фталоцианин пигментлари «О'ЗТО'ҚИМАШИЛИКСАНОАТ» уюшмаси таркибига кирувчи «Имидж текстиль» МЧЖ ва «Истиқлол Кушон Текстиль» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («О'ЗТО'ҚИМАШИЛИКСАНОАТ» уюшмасининг 2020 йил 22 июндаги 04/18-1590-сон маълумотномаси). Натижада, юқори сифатли фталоцианин пигментининг натрий силикатли сувдаги эритмаси импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган;

азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари кўшилган полиакрилат дисперсиялар асосидаги лок-бўёқ материаллари «Sof Sifat Tekstil» МЧЖ ҚҚда пахтадан олинган матоларни бўяшда жорий қилинган («Sof Sifat Tekstil» МЧЖ ҚҚнинг 2020 йил 17 июндаги 38-сон маълумотномаси). Натижада, ёрқин рангли фталоцианин пигментларидан фойдаланиш, бўялган матоларнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, шундан 7 таси халқаро ва 7 таси Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фталоцианин пигментларини яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, унда азот ва фосфор тутган фталоцианинлар ва уларнинг металл комплексларини синтез қилиш ва олиш усуллари ҳамда уларни синтез қилишнинг янгича замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган ишлар таҳлил қилинган. Таркибида азот ва фосфор тутган фталоцианин пигментларини олиш усуллари, уларнинг физик-кимёвий хоссалари муҳокама қилинган ва бу изланиш истиқболли йўналишлардан бири эканлиги ёритилган.



Диссертациянинг «**Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларининг синтези ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, синтез ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. Электрон сканерловчи микроскопияси ва ИҚ-спектроскопия усулларида синтез қилинган бирикмаларнинг структурасини аниқлашга ёндашув тавсифланган.

Ди(тио)амидофосфатлар, карбамид ва металл тузлари асосидаги фталоцианин пигментлари гравиметрик ва термодинамик тадқиқотлар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган.

Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларининг синтези. Бунда реакциянинг асоси сифатида диамидофосфат, карбамид, фталимид, металл ($\text{Me}=\text{Cu}^{\text{II}}, \text{Ni}^{\text{II}}, \text{Co}^{\text{II}}, \text{Fe}^{\text{III}}$ ва Cd^{II}) тузларидан фойдаланган ҳолда диамидофосфат асосида фталоцианин пигментлари синтез қилинди. Ҳар бир пигментнинг алоҳида олиниш усуллари қуйидагича келтирилди.


Диамидофосфат асосида металл фталоцианин(ДАФМеРС) синтез қилиши. Синтез жараёнлари 2 усулда: эритувчи муҳитида ва юқори ҳароратда қиздириш усулида олиб борилди.

Диамидофосфат асосида металл фталоцианинларини (ДАФМеРС) синтезини ўрганиш. Янги таркибли диамидофосфат асосида металл фталоцианин (ДАФСур) пигментини синтезлаш жараёнлари 2 хил усулда олиниб, унинг интенсивлиги, акрил асосидаги лок-бўёқ материаллари рангини ўзгартириш таъсири ва айрим физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасига асосланиб пигмент олишнинг иккинчи усули курук массада юқори ҳароратда синтезлаш усули танлаб олинди, бунинг унуми биринчи усулга нисбатан кам бўлса ҳам, лекин ўзининг интенсивлиги, жилвадорлиги, актив таъсирга эга эканлиги билан эритувчи муҳитида олинган пигментдан фарқланади. Олинган модданинг синтези қуйидагича бўлади:



Пигментнинг юқори интенсив бўлишида ҳарорат муҳим рол ўйнайди ва шу билан биргаликда, ҳароратнинг меъёридан ортиқ кўтарилиши, олинаниган пигментнинг чиқиш унумини маълум даражада камайишига олиб келади.

Пигментни синтезлаш 200, 250 ва 280 °С ҳароратда олиб борилди. Интенсив пигмент синтез қилишда 280 °С ҳарорат танлаб олинди бунда икки соатда реакция унуми 89 % ни ташкил қилган бўлса, уч соат ўтгандан сўнг унум 85 % га тушганини кўриш мумкин. Иккала унумнинг бири-биридан ўзаро фарқи 85 % унумда олинган пигментнинг интенсивлиги анча юқори.



1-расм. ДАФС_{CuPc} пигментининг ИҚ-спектри.

ДАФС_{CuPc} пигментининг ИҚ-спектрида ароматик ҳалқанинг валент тебранишлари ютилиш чизиқлари 1460-1610 см⁻¹ да ва худди шу қийматда валент тебранишлари ютилиш чизиқлари 1460-1610 см⁻¹ да циклда С=N мавжудлиги кузатилди. Ютилиш соҳаси 1500 см⁻¹ да пирол ҳалқаси борлиги кузатилди, ютилиш чизиқлари 11630 см⁻¹ да Р=О ўзаро бириккан молекулаларини 1160-1300 см⁻¹ циклик Р=N ҳалқаси борлиги кузатилди, ютилиш чизиқлари 1285см⁻¹ да С-О бўлади 450–650 ютилиш соҳаларида Cu металлининг азот ва кислород билан ҳосил қилган комплекс тизими кузатилди. 3376–3300 см⁻¹ ютилиш соҳаси иккиламчи N–N борлиги кузатилди, 2224 см⁻¹ ютилиш соҳасида (C₂H₅)₂C = C(CN)COOC₂H₅ нинг С≡N борлиги аниқланди, 1000-650 см⁻¹ худудидаги С–Н нинг текис бўлмаган деформация тебранишлари, 2000–1600 см⁻¹ ютилиш соҳаси барча ароматик бирикмалар сони ва ҳолати бензол ҳалқасини алмаштириш турига қараб аниқланадиган заиф чизиқлар гуруҳига (композит частоталар) эга эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тажриба натижалар шуни кўрсатадики, юқори унумли азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларини олишда, бошланғич маҳсулот сифатида олинган реактивларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади.

Олинган бошланғич реактивлар нисбатининг пигментлар унумига таъсири

Диамидофосфат + карбамид + фталимид + металл тузларининг нисбатлари	Унум, %	Элемент анализ							
		Азот		Фосфор		Кислород		Углерод	
		Ўр- тача	Топи лган	Ўрта- ча	Топи лган	Ўрта- ча	Топи лган	Ўртача	Топил- ган
ДАФСuPc пигментини синтезлашда оптимал нисбатни аниқлаш									
0,5:3:0,5:1	53,6	13,65	13,61	4,44	4,41	10,35	10,34	59,61	59,98
1:2:1:0,5	65,4		13,59		4,43		10,43		59,76
1:2:2:0,5	74,3		13,74		4,47		10,39		59,29
1:4:2:1	79,6		13,69		4,45		10,24		59,13
1:2:4:1	85,2		13,62		4,44		10,32		59,87
ДАФNiPc пигментини синтезлашда оптимал нисбатни аниқлаш									
1:2:1:1	65,2	11,89	11,85	3,65	3,60	11,66	11,70	68,26	68,25
1:1,5:2:1	74,4		11,90		3,64		11,65		68,23
1:1:2:0,5	79,5		11,87		3,67		11,60		68,20
1:2:3:0,5	80,7		11,91		3,65		11,68		68,27
1:1:4:1	83,3		11,96		3,69		11,67		68,34
ДАФСoPc пигментини синтезлашда оптимал нисбатни аниқлаш									
1:1:0,5:0,5	54,6	12,22	11,54	4,63	4,05	13,25	12,67	59,32	58,69
1:1,5:1,5:1	65,3		12,07		4,58		13,56		59,12
1:1,5:2,5:1	74,7		12,23		4,01		13,15		59,57
1:2:3:0,5	78,1		12,16		4,87		13,22		59,40
1:1:4:0,5	80,4		13,11		5,80		13,67		59,83
ДАФFePc пигментини синтезлашда оптимал нисбатни аниқлаш									
1:1:2,5:1,5	73,14	9,61	9,04	6,39	6,12	15,51	15,87	57,47	56,97
1:1,5:2,5:1,5	75,56		9,87		6,06		15,67		57,66
1:2:2:1	79,07		9,64		6,32		15,32		57,78
1:1,5:3:0,5	81,23		10,07		5,54		15,56		57,75
1:1,5:4:0,5	84,8		9,43		7,93		15,12		58,21
ДТАФСdPc пигментини синтезлашда оптимал нисбатни аниқлаш									
0,5:1:2:0,5	54,34	19,39	19,43	0,84	0,94	18,22	18,11	52,48	51,76
1:2:1:0,5	59,43		18,96		0,86		17,42		52,31
1:2:1,5:1	63,76		19,33		0,81		18,73		52,67
1:1:3:1	67,43		19,75		1,03		18,89		54,08
0,5:2:4:1	75,12		19,48		0,54		17,92		51,57

Янги таркибли диамидофосфат ва ди(тио)амидофосфат асосида олинган фталоцианин пигментлари келтирилган физик-кимёвий кўрсаткичларига асосланиб қуйидагича умумий формулалар келтирилди.


Синтез қилинган янги таркибли диамидофосфат ва ди(тио)амидофосфат асосида олинган фталоцианин пигментларининг молекуляр массаси ва уларнинг кимёвий формуласи

№	Пигмент	Молекуляр масса	Брутто формуласи
1	ДАФСuPc	748	$C_{34}H_{25}N_{10}O_5PCu$
2	ДАФNiPc	702	$C_{34}H_{26}N_7O_5PNi$
3	ДАФСoPc	702	$C_{34}H_{26}N_7O_5PCo$
4	ДАФFePc	699	$C_{34}H_{26}N_7O_5PFe$
5	ДТАФСdPc	828	$C_{34}H_{25}N_{10}O_3S_2PCd$

Ушбу ишда янги таркибли азот ва фосфор тутган ДАФСuPc, ДАФNiPc, ДАФСoPc, ДАФFePc ва ДТАФСdPc синтез қилинган фталоцианин пигментлари ўрганилди. Ҳар бир пигмент учун меъерий ГОСТ талаблари бўйича кўрсатилган кўрсаткичлар, пигментларнинг техник хусусиятлари, уларнинг ҳажмлари ва зичликлари аниқланди. 120x60x1 мм ўлчамли металл устига қопланган ПФ-115 эмали ва фталоцианин пигментлари асосида тайёрланган лок-бўёқ материалларининг ГОСТ 6465-76 келтирилган кўрсаткичлар бўйича таҳлил натижалари ўрганилди.

Диссертациянинг «Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларининг тадқиқотлари натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобда синтез қилинган фталоцианин пигментларининг термогравиметрик ва ренгенфазавий тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинади.

Янги таркибли ДАФСuPc, ДАФNiPc, ДАФСoPc, ДАФFePc ва ДТАФСdPc пигментларининг термик таҳлили 20-500 °C ҳарорат оралиғида амалга оширилди. Келтирилган пигментларнинг термик таҳлилининг барча намуналари динамик режимда 10 градус/мин тезликда платинадан тайёрланган ҳовончада олиб борилди.



2-расм. ДАФСuPc пигментининг дериватограммаси.

2-расмда келтирилган куруқ массада синтез қилинган янги таркибли ДАФСuPc пигменти учун максимал 500 °C ҳарорат танлаб олиниб, пигментнинг таҳлил натижалари келтирилган дериватограммасига қараб ўрганиб чиқилди. 30, 45, 51, 375 °C ҳароратларда тўртта эндотермик ва 53,

390, 510 °C ҳароратларда урта экзотермик эффектлар кузатилди. ДАФСuPc пигменти 1650 °C ҳароратга чидамли алюминий оксиди ва платинадан тайёрланган оғзи очиқ тигелда 35 мг миқдордаги пигмент олиниб, 20 °C ҳароратдан бошлаб аста-секин ҳарорат кўтарилиб борилди. Ҳарорат 100 °C га етганда ДАФСuPc пигментнинг қолдиқ массаси 34,4 мг бу рақам фоизда ифодаланса $35 - 34,4 = 0,6$ мг камайганлигини ҳисобга олиб йўқотилган масса $C\% = 0,6/35 \cdot 100 = 1,71\%$ ва бундай ҳароратда сарфланадиган энергия миқдори $2,6 \mu V \cdot c/mg$ ташкил қилди. Бундай ҳароратда ДАФСuPc пигменти массасининг камайиши таркибида ютилган адсорбцион сувнинг йўқотилиши ҳисобига боради. Кейинги кузатишлар 200 °C ҳароратда олиб борилиб бошланғич масса 35 мг ўлчанган пигментнинг қолдиқ массаси 33,1 мг га ўзгарганлиги кузатилди. ДАФСuPc пигменти массасининг % да камайиши 200 °C ҳароратда умумий 100 % массадан 5,41 % га ва сарфланадиган энергия миқдори $3,38 \mu V \cdot c/mg$ ташкил қилди.

Таққослаш учун олинган CuPc пигментининг дериватограммаси ўрганилганда, динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғи асосан 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1-парчаланадиган оралик 50-123 °C ҳароратга, 2-парчаланадиган оралик эса 130-480 °C ҳароратга мос келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, парчаланадиган ораликда интенсив парчланиш жараёни содир бўлади. Бу ораликда парчланишнинг миқдори, яъни парчланишнинг 78,8 % амалга ошади.

Юқорида келирилган янги таркибли фталоцианин пигментларнинг дериватограммасидан кўриниб турибдики, ҳароратнинг ортиши билан пигментнинг массаси аста-секин пасаяди ва эндо-эффектлар билан бирга келади. Ҳароратнинг ортиши билан фталоцианин пигментлари массасининг камайишига адсорбцион сувнинг йўқотилиши ва пигмент таркибидаги моддаларнинг парчланиши сабаб бўлади.

Диамидофосфат асосидаги синтез қилинган ДАФСuPc, ДАФNiPc, ДАФСoPc, ДАФFePc ДТАФСdPc ва контрол учун олинган CuPc пигментлари учун юқори ҳарорат 500 °C га нисбатан термик таҳлил натижаларига кўра бу пигментларнинг термик барқарорлиги ортиб бориш тартиби, олинган 100% массага нисбатан % да йўқотиш қуйидаги қонуният асосида бориши аниқланди:

ДТАФСdPc(85,5%) → контрол CuPc (78,8 %) → ДАФFePc(38,7%) →
ДАФСoPc(25,8%) → ДАФСuPc(24,2%) → ДАФNiPc(22,5%)


Диамидофосфат таркибли фталоцианин пигментлари: ДАФСuPc, ДАФNiPc, ДАФСoPc, ДАФFePc ДТАФСdPc ва таққослаш учун олинган пигментнинг юқори ҳароратдаги умумий термик таҳлили қуйидаги 3-жадвалда келтирилади.

Келтирилган жадвалда азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларини термик таҳлили ўрганилди, ҳулоса ўрнида синтез қилинган фталоцианин пигментлари 250 °C гача массаси қисман камайганлигини ва ундан юқори ҳароратда аста-секин пасайиши кузатилди.

Юқори ҳарорат таъсир эттирилган пигментларнинг термик таҳлили

№	Ҳарорат °С	Қолдик масса, мг	Йўқотилган масса, мг	Йўқотилган масса, %	Сарфланадиган энергия микдори($\mu\text{V}^*\text{s}/\text{mg}$)
ДАФСuPc пигментидан умумий массада 35 мг олинган					
1	100	34,4	0,6	1,71	2,6
2	200	33,1	1,9	5,41	3,38
3	300	31,0	4	11,4	5,89
4	400	28,2	6,8	19,4	4,02
5	500	26,5	8,5	24,2	6,18
ДАФNiPc пигментидан умумий массада 44 мг олинган					
1	100	43,5	0,5	1,13	2,6
2	200	42,1	1,9	4,31	4,98
3	300	40,2	3,8	8,63	5,05
4	400	38,4	5,6	17,7	4,58
5	500	34,1	9,9	22,5	5,19
ДАФСoPc пигментидан умумий массада 46 мг олинган					
1	100	45,3	0,7	1,5	1,6
2	200	43,3	2,7	5,8	5,31
3	300	40,1	5,9	12,8	4,89
4	400	36,2	9,8	21,3	3,02
5	500	34,1	11,9	25,8	5,13
ДАФFePc пигментидан умумий массада 40 мг олинган					
1	100	39,4	0,6	1,50	1,6
2	200	38,2	1,8	4,51	4,38
3	300	33,1	6,9	17,2	5,05
4	400	27,6	12,4	31,0	5,08
5	500	24,5	15,5	38,7	6,19
ДТАФСdPc пигментидан умумий массада 40 мг олинган					
1	100	39,8	0,2	0,5	3,6
2	200	37,6	2,4	6	5,91
3	300	24,9	15,1	37,75	3,89
4	400	12,6	27,4	68,5	3,99
5	500	5,8	34,2	85,5	4,13
Контрол учун CuPc пигментидан умумий массада 24 мг олинган					
1	100	23,8	0,2	0,83	2,45
2	200	20,6	3,4	14,2	1,91
3	300	15,4	8,4	35	3,09
4	400	9,8	14,2	59,2	4,08
5	500	5,1	18,9	78,8	5,93

Янги таркибли ДАФСuPc, ДАФNiPc, ДАФСoPc, ДАФFePc ва ДТАФСdPc пигментларининг рентген фазавий таҳлили, дифрактограмма пиклари ёрдамида ўрганилиб уларнинг заррачалари ўлчамлари таркибидаги ҳар бир бошланғич маҳсулотнинг қийматлари келтирилди (3-расм).



3-расм. ДАФС_uРС пигментининг диффрактограммаси.

4- жадвал

ДАФС_uРС пигментининг Дебая-Шеррера тенгламасига мувофиқ заррачалар ҳажмини ҳисоблаш


№	Сканерлаш бурчаги [°2θ]	FWHM интеграл кенглиги [°2θ]	<i>d</i> (nm)- кристалларнинг ўртача ўлчами	<i>d</i> (nm) ўртача
1	7.0852	0.1515	47,83	46,09
2	9.2212	0.1894	38,26	
3	18.1881	0.1967	36,84	
4	23.7990	0.0976	74,24	
5	26.2371	0.2102	34,47	
6	28.0414	0.1589	45,60	
7	30.4579	0.1598	45,35	

Заррачаларнинг ўлчами, шакли, фрактал ўлчами, уларнинг тарқалиш қонуниятларини экспериментал тадқиқ қилиш учун, рентген фазавий таҳлилини ўрганиш учун кўпинча (Дебая-Шеррера) усулидан фойдаланилади.

ДАФС_uРС пигментининг Дебая-Шеррера тенгламасига мувофиқ *d* (nm) ўртача 46,09 нм га тенг эканлиги ҳисоблаб топилди, заррачалар ўлчамига кўра “нано заррача” эканлиги исботланди.

СЭМ қурилмасининг ўзида пигментларнинг кимёвий элементларнинг микроанализи ўтказилиб, тезланувчи кучланишда 20 кэВ, ток тарами 1 нА бўлган соҳаларда ўрганилди. Ушбу ишда электрон сканер тасвирларини, 30 кэВ тезланиш кучи билан, 500 ва 200 мартта катталаштириш, ҳамда кўринувчан соҳанинг 0,66 ва 1,653 мкм ларида олинди (4-расм).

Янги таркибли ДАФС_uРС пигментининг таркиби ва тузилишини сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ёрдамида ўрганилди. СЭМ билан диамидофосфати, фталимид ва мис тузи билан синтез қилинган кукунсимон пигментнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш, уларнинг морфологияси, дисперсияси каби муҳим ҳисобланган кўрсаткичларини баҳолаш имкониятини берувчи, дастлабки моддаларнинг реакцияга киришганлик даражасини ва объектларнинг ғоваклиги ҳамда уларнинг тақсимланиши ҳақида маълумот беради. Бир вақтнинг ўзида шунга ўхшаш ва улардан ўлчами бўйича кескин фарқ қилувчи агломератлари, ҳосил бўлиш радиуслари 10 нм дан 1 мкм гача бўлган кичик объектларни кузатиш мумкин. Шу билан биргаликда турли хил технологик босқичларда ҳам таркиб ва тузилишни кузатиш ва тадқиқ қилиш мумкин бўлади.



4-расм. ДАФС_uРс пигментининг сканерловчи электрон микроскоп (200 ва 500 баробар катталаштирилган тасвири) ва элемент анализи маълумотлари.

Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларининг лок-бўёқ маҳсулотлари билан ҳосил қилган композициялари. Синтез қилинган янги таркибли ДАФС_uРс, ДАФNiРс, ДАФС_oРс, ДАФFeРс ва ДТАФС_dРс пигментлари турли массада ва турли хилдаги лок-бўёқ материалларига бўёвчи пигмент сифатида ишлатилиб, тайёр бўёқларнинг физик-кимёвий хоссалари, қўлланилиш сохалари, бўёқ тайёрлаш технологиялари ўрганилди.

Диамидофосфат асосида олинган ДАФС_uРс, ДАФNiРс, ДАФС_oРс, ДАФFeРс ва ДТАФС_dРс пигментлар бу қурилмада 2 соат давомида тўлиқ аралаштирилиб металл устига қопланди.

Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари асосида сувли дисперсион бўёқларнинг олиниши. Сувли дисперсион бўёқ намунасини олишда ишлов берилмаган CuРс ёки ДАФС_uРс таркиб бўйича этилакрилат ва метилакрилат асосидаги қоплама ҳосил қилувчи модда иштирокида сувли-дисперсион бўёқ олинади. Сувли бўёқ таркиби 5-жадвалда келтирилган таркиб бўйича тайёрланади.


5-жадвал

Сувли дисперсион бўёқнинг рецепти

№	Пигмент паста компонентлари	Таркиби мас. %
1	Мис фталоцианин (ишлов берилмаган CuРс / ДАФС _u Рс)	4,0
2	титан диоксид	69,7
3	натрий алгинат (сувдаги 10 % ли эритмаси)	24,8
4	натрий гексаметафосфат (сувдаги 20 % ли эритмаси)	0,5
5	Триэтаноламин	0,5
6	Натрий карбоксиметил целлюлоза	0,5
Латекс компонентлари		Таркиби мас. %
1	Этилакрилат	50,0
2	Метилакрилат	50,0

Натрий алгинат ва натрий гексаметафосфат эритмаси триэтаноламин, пигмент ва тўлдирувчи ҳона ҳароратида бисер тегирмонида 2 соат давомида ($d_{ш} = 3$ мм, $150-200$ мин⁻¹) гомоген ҳолатга келгунича аралаштирилди ва


пигмент паста олинди. Олинган пигмент паста кучли аралаштириш ва бошқа усуллар ёрдамида латексга киритилди (пигмент пастасининг латексга нисбати 1-5 оғирликда бўлади).



5-расм. Контрол CuPc ва синтез қилинган ДАФСuPc пигментлари ва латекс асосида олинган сувли эмулсия бўёқларини ёғоч юзасига қопланган тасвири.

Контрол CuPc ва синтез қилинган ДАФСuPc пигментлар билан метилакрилат латекс этил эмулциялари асосида ишлаб чиқарилган сувли дисперсион бўёқлари, ёғоч юзасига қопланганда тахминан бир хил натижани кўрсатди, (8-расм). Бироқ, синтез қилинган ДАФСuPc пигменти асосида тайёрланган бўёқ бўялган ёғоч тахта юзасидаги бўёқ 2 ойлик кузатув давомида барқарорлигини сақлаб турди, бу вақт оралиғида контрол CuPc пигменти асосидаги бўёқ жуда тез бир хилликни йўқотди.

Диссертациянинг «**Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментларини олишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ва технологик схемаси**» деб номланган тўртинчи бобда фталоцианин пигментларини олиш технологияси ва техник иқтисодий кўрсаткич натижалари муҳокама қилинади.



1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 – дозатор сифимлар; 8 - реактор; 9 - қайтарма совитгич; 10 – йиғувчи сифим; 11 - насос; 12 - нейтралловчи реактор; 13 - филтрловчи қурилма; 14 - қуритувчи печ; 15 - майдалагич; 16 - тайёр маҳсулот омбори; 17 – ташиш.

6-Расм. Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари олиш учун: 1,2,3,4 - сифимлардан таркиб бўйича кетма-кетликда ўлчанган диамидофосфат, фталимид, металл тузлари (CuSO_4 ; NiCl_2 ; $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2$; FeCl_3 ; $\text{Cd}(\text{CH}_3\text{COO})_2$); карбамид ва фталимид массасига нисбатан 1% оғирликдаги катализатор сифатида аммоний гепта молибдат 8 - қиздирувчи реакторга туширилиб, ҳарорат секин аста 250-280 °C гача кўтарилиб 2-3 соат давомида яқини аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилади, реакция вақтида NH_3 гази ажралади ва 10 - қурилмада сув билан аралаштирилиб, аммиакли сув олинади. Жараён 2-3 соатдан кейин маҳсулот тайёр ҳолатга келтирилганда қиздириш тўхтатилади ва реактор хона ҳароратигача совутилиб концентранган сульфат кислота таъсир эттирилади. Бунда реактор ҳарорати

40 °C да 30 дақиқа давомида аралаштирилади, кислота қўшишдан мақсад реакцияга киришмай қолган моддалардан тозалашдир.. Сўнгра унга қайнаб турган сув таъсир эттирилади натижада кучли реакция кетади. Ҳосил бўлган пигмент чўктирилади ва NaHCO_3 эритмаси қўшилиб муҳит қисман нейтралланади. Олинган суяқ аралашма 11- насос ёрдамида 12 – нейтралловчи реакторга ўтказилиб муҳит $\text{pH}=6,5-7$ га келтирилгунча сув билан тозаланиб турилади. 13- филтрда сувдан тозаланиб қолган қолдиқ модда кейинги босқичга ўтказилади, пигмент 14 - қуритувчи печга ўтказилади 50 °C ҳароратгача тўлиқ қуритилгунча ушлаб турилади ва қуриган пигмент 15 - майдалагичда майдаланади. 16 – ҳосил бўлган тайёр пигмент сақлаш омборига ўтказилади ва 17 – истемолчиларга етказиб берилади.

Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқотлар натижасига кўра синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи ДАФС_uРс, ДАФNiРс, ДАФС_oРс, ДАФFeРс ва ДТАФС_dРс пигментлари фаол пигментлар бўлиб, булар асосан олигомерлар ва полимерлар билан ўзаро таъсирлашиб турли соҳаларда ишлатилади. Пластмасса буюмларга ранг беришда, эмал тайёрлашда, нашриёт-матбаа учун ишлатиладиган бўёқлар тайёрлашда, лок-бўёқ қопламалар олишда, пахта матоларни бўяшда ва бошқа йўналишларда ишлатилади.

Синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи ДАФС_uРс, ДАФNiРс, ДАФС_oРс, ДАФFeРс ва ДТАФС_dРс пигментларини, «Имидж текстиль» МЧЖ, «Истиқлол Кушон Текстиль» МЧЖ, «Sof Sifat Tekstil» МЧЖ қўшма корхонаси, “Original Color Mix” МЧЖ, “Диёрбек Мансуров” ХК, “Alibaba aziya” ХК, “Boburbek Maxmaraxim avlodi” МЧЖ ва “Berdiyev Shuxrat Norpo’latovich” хусусий фирмаларида жорий қилиш юзасидан акт синовлари ўтказилди. Олинган пигментларнинг сарф ҳаражатлари импорт қилинаётган фталоцианин пигментлари билан ўзаро таққосланди.

1 тонна ДАФС_uРс пигменти ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари (ишлаб чиқаришдаги 85% реакция унумини ҳисобга олиб) фақат бошланғич модданинг ўзи учун 26755390 сўм сарфланади.

Синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи ДАФС_uРс пигментини ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 37797428,35 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб топилди. Бу ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр ДАФС_uРс пигментнинг нархи 37797,43 сўмга тенг эканлигини билдиради.

Четдан импорт қилинадиган CuРс PR 15:1 пигментининг нархи 82000 сўм/кг га тенг эканлиги кетирилди. Шундай қилиб, синтез қилинган ДАФС_uРс пигментини ишлаб чиқариш, кутилаётган иқтисодий самара келтиради, кўрилган йиллик фойда 110 т маҳсулот учун 4862282881,5 сўм ёки АҚШ долларарида ҳисобланса 480463 доллар иқтисодий самарадорликка эришилади.

ХУЛОСА

1. Диамидофосфат, фталимид, карбамид, металл тузлари (CuSO_4 ; NiCl_2 ; $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2$; FeCl_3 ва $\text{Cd}(\text{CH}_3\text{COO})_2$) ва фталимид массасига нисбатан 1 %

миқдорда катализатор қўшиб янги таркибли азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигменти олиш технологияси таклиф қилинди.

2. Синтез қилинган ДАФС_uРс пигменти ва контрол учун олинган CuРс PR 15:1 (ХХР маҳсулоти) пигментларнинг хоссалари сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), термик таҳлил ва рентген фазавий таҳлил методлари ёрдамида қиёсий тадқиқ қилинди. Термик таҳлил натижаларига кўра, олинган ДАФС_uРс пигменти таркибида фосфор бирикмалари бўлганлиги сабабли, назорат учун олинган CuРс PR 15:1 пигментдан фарқли равишда юқори ҳароратга барқарор пигмент эканлиги кўрсатилди. Азот ва фосфор сақловчи бирикмалар янги таркибли фталоцианин структурасини яратишга ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

3. Синтез қилинган ДАФС_uРс пигменти ва назорат учун олинган CuРс PR 15:1 пигментларидан 4,5 % миқдорда қўшиб алкид эмали тайёрланди. Олинган эмал термик таҳлил қилинганда ДАФС_uРс пигменти қўшиб тайёрланган эмал назорат учун олинган эмалдан термик барқарор хусусиятларини кўрсатди. Бундан ташқари бу пигментлардан ГОСТ талаблари бўйича сувли эмульсион бўёқ, нашриёт-матбаа учун бўёқ сифатида ва пигментлар пахта матосини бўяшда ишлатилди ва тегишли меъерий ҳужжатлар асосида ўзаро таққосланди. Натижаларга кўра синтез қилинган ДАФС_uРс пигменти назорат учун олинган CuРс PR 15:1 пигментлардан бир қатор устунлик томонларини кўрсатди. Синтез қилинган азот ва фосфор сақловчи юқори интенсив, юқори ҳарорат таъсирига барқарор, фаол ёрқин фталоцианин пигментлари қўшиб тайёрланган алкид эмаль композициялари таркиби ва технологияси таклиф этилди.

4. Синтез қилинган азот ва фосфор сақлаган ДАФС_uРс пигментни импорт ўрнини босувчи пигмент сифатида қўллашнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланди, унга кўра иқтисодий самарадорлик йилига 4862282881,5 сўмни ташкил қилди.

5. Шундай қилиб, азот ва фосфор сақловчи ДАФС_uРс пигменти ишлаб чиқариш синовлардан муваффақиятли ўтди. Синтез қилинган янги таркибли ДАФС_uРс пигменти турли рангдаги ПФ-115 эмалига стандарт талабларига асосланиб ГОСТ 6465-76 бўйича яхши натижаларни намоён этди. ДАФС_uРс пигменти қўшиб тайёрланган ПФ-115 эмалини асосан қурилиш материаллари темир, ёғоч ва бошқаларга қоплама сифатида ишлатишга тавсия берилди.

6. Азот ва фосфор сақловчи фталоцианин пигментлари олиш технологияси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти базасида ишлаб чиқилган ва олинган фталоцианин пигментлари “Original Color Mix” МЧЖ, “Boburbek Mahmarahim avlodi” МЧЖ, “Диёрбек Мансуров” ХК, “Alibaba Aziya” ХК, “Berdiyev Shuxrat Norpo’latovich” ХК, “Sof Sifat Tekstil” МЧЖ ҚК, “Имидж текстиль” МЧЖ, “Истиклол Кушон Текстиль” МЧЖ да муваффақиятли амалиётга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ И ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ЮСУПОВ МУЗАФАР ОРИФЖОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЕ
АЗОТ И ФОСФОРСОДЕРЖАЩИХ ФТАЛОЦИАНИНОВЫХ
ПИГМЕНТОВ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире динамично растут объемы проводимых работ в сфере строительства, что, в свою очередь, приводит к резкому росту спроса на лакокрасочную продукцию. В настоящее время для окрашивания текстильных материалов, кожаных меховых изделий, бумаги, дерева и других предметов в основном используются органические пигменты, получаемые из “пигмент содержащих растений”, в небольших количествах из организма животных, а также минеральные пигменты. В настоящее время цены на краски, особенно на органические пигменты, очень высоки. Нехватка сырья в последние годы привела к сокращению объемов производства лакокрасочных материалов на ряде предприятий. Поэтому создание новых видов фталоциановых пигментов является одной из важных научно-технических задач.

Сегодня во всем мире должное внимание уделяется исследованиям, направленным на повышение качества и эффективности использования пигментов на основе фталоцианина. Около 25% объема органических пигментов, производимых во всем мире, приходится на долю фталоцианиновых пигментов. В этом отношении особый научный и практический интерес представляют фталоцианины, имеющие в составе азот и фосфорсодержащие группы. При этом возможно получение лакокрасочных покрытий с участием фталоцианиновых пигментов. Необходимо изучить процесс синтеза этих фталоцианинов, содержащих азот и фосфор, определить их физико-химические свойства, а также создать возможности и технологии в области применения.

В нашей Республике достигаются определенные научные и практические результаты при создании лакокрасочных материалов с использованием фталоцианиновых пигментов, а также многокомпонентных и функциональных лакокрасочных покрытий на их основе. На основе нормативных мер, принятых в этом направлении, были достигнуты определенные результаты, в частности, принимаются масштабные меры по развитию научной основы для производства многофункциональных покрытий и обеспечению местного рынка импортозамещающей продукцией. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. Важную роль в этом играет замена дефицитных компонентов местным сырьем - многотоннажными вторичными продуктами химической промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с VII «Химическая технология и нанотехнология» приоритетным направлением развития науки и технологии Республики.

Степень изученности проблемы. По получению и синтезу фталоцианиновых пигментов ведут исследования: Wöhrle D, Jones J.G., Wang R., Meyer M., Freyer W., Hanack M., Schlettwein D., Kudrevich S. V., Zimcik P., Erk P., Barrett P. A., Шапошников Г. П., Shakhnovich A. I., Голубчиков О. А., Ларионов А. В., Сайфуллин Р. О., Хафизов Н. Р., Zhang X., Хромов А. В., Зуев К.В., Джалилов А.Т., Тиллаев А. Т., Махсумов А.Г. и другие ученые.

В результате своих научных исследований эти ученые предложили различные методы получения пигментов, определили влияние различных технологических факторов на процесс получения, синтез на основе местного сырья и промышленных продуктов, а также использование синтезированных соединений в качестве лакокрасочных покрытий в промышленности строительных материалов.

В настоящее время ведутся научные исследования по расширению видов фталоцианиновых пигментов на основе местного сырья и промышленных продуктов путем модификации соединениями содержащими активные группы, созданию эффективных технологий производства и их применению на практике.

Связь темы диссертации с научно - исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных и инновационных проектов Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии: А 12-003 «Разработка технологии производства кремнийсодержащих полимеров и органических красителей» (2011-2013) и А 12-001 «Разработка технологии производства новых эпоксидно-полиуретановых покрытий на основе местного сырья» (2015-2017).

Целью исследования является улучшение свойств фталоцианиновых пигментов на основе азот и фосфорсодержащего сырья, разработка технологии производства новых производных фталоцианиновых пигментов, содержащих различные металлы.

Задачи исследования:

изучение оптимальных условий синтеза новых соединений фталоцианина в присутствии диамидофосфата, фталимида, мочевины, солей металлов и катализаторов;

изучение состава, структуры и свойств синтезированных фталоцианиновых наночастиц, содержащих азот и фосфор, физико-химическими методами;

получение термостойких и механически стабильных красителей на основе синтезированных наночастиц производных фталоцианина и металлов а также соединений, содержащих фосфор, азот и металлы;

получение нанокомпозитов для полимерных материалов в зависимости от типа нанонаполнителей и концентрации модификатора;

